

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Ғиждувон туман Мактабгача таълим
ташқилоти
Харид комиссиясининг раиси



З.Курбанов
2022 йил

ҒИЖДУВОН ТУМАН МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ БЎЛИМИГА
ҚАРАШЛИ 9-СОН МТТ БИНОСИНИ ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ
ИШЛАРИ ЛОЙИХА СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ УЧУН

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ

Ғиждувон туман - 2022 йил

Танлов хужжатларининг мазмани:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

II. Техник қисм

III. Нархлар қисми

**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА
1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1.Танлов предмети: Фиждувон туман МТБга қарашли 9-сон МТТ биносини жорий таъмирлаш ишларига лойиха хужжатларини тайёрлаш .

1.2.Танловнинг юқори қиймати – 16 000 000 (үп олти миллион) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3.Махсулот бўйича Техник топширик танлов хужжатларининг техник қисмida илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4.Ишларни бажариш муддати: Ғолиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуқсон далолатномасига асосан белгиланган график бўйича.

1.5.Ишларни бошлаш муддати – аванс маблаги ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Фиждувон туман Мактабгача таълим бўлими (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили : Фиждувон туман Б.Нақшбандий 54/1-үй

2.2.Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3.Танлов Фиждувон туман Мактабгача таълим бўлими “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1.Танлов мулқилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 2 йил тажрибага эга бўлган барча Юридик макомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга кўйидаги малакавий талаблар қўйилади:
танлов предмети ишлар(хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

- объектнинг мураккаблик даражасига караб, "лицензия" ва "гувоҳнома"
- 684-Конун 13-моддатига риоя этилиши шарт
- Моддий-техника базаси ҳамда ташкилотнинг оргтехника руйхати ускуналар
- Бахтсиз ходисалар булган вазиятлarda ишчи ходимларнинг хаёти сугурталанганилиги
- Ишчи ходимларнинг диплом нусхалари, меҳнат дафтарчалари ёки mehnat.uz сайти орқали рўйхатдан ўтганлиги тўгрисидаги хужжат
- Шу соҳада олдин қилинган ишлари бўйича буюртмачилар берган тавсифномалари
- Ишларни бажариш муддати Кафолат хати
- Ноҳалол иштирокчилар реестрида мавжуд эмаслиги тугрисида маълумот
- Солик ва бошқа мажбурий туловлардан карздорлиги йуқлиги тугрисида
- Катнашувчининг ташкил этилиши, тугатилиши ёки банкрот булмаганлиги тугрисидаги кафолат хати

3.3.Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар) нибажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4.Кўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш(ажралиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар

4.ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН

ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. Танлов хужжатларида қуидагилар тақдим этилиши лозим:

Техник кисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиганиш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

Нархлар кисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсатичлар кўрсатилилан бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган ваколатли шахс имзоси ва муҳри билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варогини муҳрлаб тасдиқлаган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.3. Қуидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуидаги таклифлар:

Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова килинади);

4.4. Танлов иштирокчиси:

- факат битти таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳакиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга кадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хукукига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5 календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йигилиши карори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги карор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган карор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилаётган барча хужжатларни ҳакиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирочи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин карор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилаган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартириш киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичидаги давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади хамда ундан олинган кўчирма у имзолаган кундан эътиборан уч иш куни ичидаги махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси такливларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичидаги танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.